

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ				
Тўлиқ:	«DORI-DARMON» Акциядорлик компанияси			
Қисқартирилган:	АК «DORI-DARMON»			
Биржа тикерининг номи:*	DDAK			
2.	АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ			
	Жойлашган ери:	Тошкент шаҳри, Чорсу майдони, 21		
	Почта манзили:	100021, Узбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чорсу майдони, 21		
	Электрон почта манзили:*	office@doridarmon.uz		
	Расмий веб-сайти:*	www.doridarmon.uz		
3.	МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ			
	Муҳим фактнинг рақами:	08		
	Муҳим фактнинг номи:	Тафтиш комиссияси таркибидаги ўзгаришлар шахснинг ваколати тутатилган ҳолларда		
№	Шахснинг Ф.И.Ш.	Лавозими	Тегишли акцияларнинг сони ва тури	
1.	Назаров Ўқтам Сулайманович	“DORI DARMON GARANT” МЧЖ бош ҳисобчиси	-	-
	шахс сайланган (тайинланган) ҳолларда			
№	Шахснинг Ф.И.Ш.	Лавозими	Тегишли акцияларнинг сони ва тури	
1.	Эргашев Алишер Рахматуллаевич	Давлат активларини бошқариш маркази сектор мудири в.в.б	-	-
	Кўрсатилган ўзгаришлар тўғрисида эмитентнинг қарор қабул қиласиган органи:		Акциядорларнинг умумий йигилиши	
	Қарор қабул қилинган сана:		03.06.2016	
	Баённома тузилган сана:		13.06.2016	
	Бошқарув органи баённомасидан кўчирма ва сайланган (тайинланган) шахснинг яшаш жойи кўрсатилган ҳолда паспорт маълумотлари**		Илова қилинади	
	Ўзгаргандан сўнг ижроия органининг таркиби			
№	Шахснинг Ф.И.Ш. ёки ишончли бошқарувчининг тўлиқ номи	Лавозими	Тегишли акцияларнинг сони ва тури	
1.	Абдулкасимов Шерзод Исамахамадович	Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги хакамлик суди судьяси	-	-
2.	Йулдошев Дилшод Кулбоевич	“Ўзбекистон Дори-таъминоти” МЧЖ бош ҳисобчиси	195	оддий
9.	Эргашев Алишер Рахматуллаевич	Давлат активларини бошқариш маркази сектор мудири в.в.б	-	-

Ф.И.О. руководителя исполнительного органа:

Камилов А.А.

Ф.И.О. главного бухгалтера:

Зокиров Ш.З.

Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего

Назаров З.З.

информацию на веб-сайте:

“DORI-DARMON” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
1-СОН БАЁННОМАСИДАН
КҮЧИРМА**

Тошкент шаҳри

2016 йил 3 июн

Умумий йиғилиш ўтиш жойи: **«DORI-DARMON» акциядорлик компанияси Бош офиси, Чорсу майдони, 21.**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **09:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00.**

Компаниянинг овоз берувчи акцияларига эга бўлган акциядорлар овозларининг умумий сони - **20 072 000.**

АК «DORI-DARMON» акциядорларининг йиллик ҳисобот умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) Компания Кузатув кенгаши томонидан 2016 йил 14 майда қабул қилинган қарорларга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш хукуқига эга акциядорлар рўйхати тузилган сана – **2016 йил 30 май.**

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари” ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 77-моддаси ҳамда Компания Уставига мувофиқ, Кузатув кенгаши раиси акциядорлар умумий йиғилишида раислик қиласди.

Йиғилишни Компания Кузатув кенгаши раиси Ш.А. Вафаев очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, Йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси аъзоси У.М.Юлдашевга берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

Марказий Депозитарий томонидан 2016 йил 30 май ҳолатига шакллантирилган «DORI – DARMON» Акциядорлик компанияси акциядорлар реестрига мувофиқ, Йиғилишда овоз бериш учун 2 549 та акциядорга тегишли 20 072 000 дона акциялар қатнашиши мумкин.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 16 595 583 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 59 та акциядор рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 82,68% ни ташкил этади.

Шундан кейин, Раислик қилувчи Ш.А. Вафаев ҳисобот умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва ишчи президиум сайлаш таклифи билан акциядорларга мурожаат қилди. Ш.А. Вафаев З (уч) кишидан иборат қуйидаги таркибда Йиғилиш президиумини сайлашни таклиф қилди:

1. Ш.А.Вафаев – Кузатув кенгashi раиси;
2. Д.Б.Шагазатов – Давлатнинг ишончли вакили;
3. А.А. Камилов – Компания Бошқарув раиси.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:

Йиғилиш президиуми қуйидаги таркибда сайлансин:

1. Ш.А.Вафаев – Кузатув кенгashi раиси;
2. Д.Б.Шагазатов – Давлатнинг ишончли вакили;
3. А.А. Камилов – Компания Бошқарув раиси.

Шундан сўнг, раислик қилувчи Ш.А. Вафаев Йиғилиш баённомасини юритиш учун котиб этиб, З.З. Назаровни сайлашни таклиф этди.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:

Йиғилиш котиби этиб, З.З. Назаров тасдиқлансан.

Шундан кейин, раислик қилувчи Ш.А. Вафаев Йиғилиш регламентини ўқиб эшиттирди ва уни тасдиқлашни таклиф этди.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:
Йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.А.Вафаев Йиғилиш Кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

- 8. Компания кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.**
- 9. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш**

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, мухокамага ўтилди.

Кун тартибидаги 8-масала юзасидан Компаниянинг ички аудит хизмати бошлиғи О.Т. Тохиров сўзга чиқиб, Компания акциядорлари томонидан Компания Кузатув кенгаши таркибиға таклиф этилган Кузатув кенгашига номзодларни ўқиб эшиттирди ва улар бўйича тўлиқ ахборот берди.

№	Номзодлар	Доимий иш жойи
1	Аминов Рустам Анварович	Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси раиси ўринбосари
2	Вахпиев Юнус Сулайманович	«MFS-Servis» МЧЖ таъсисчиси
3	Липатов Аваз Ашрапович	«Chester Trading & Investments» LLC компанияси вакили
4	Миралиев Алишер Эркинович	Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари
5	Мустафаев Зафар Бурибаевич	"Ўзбек Лизинг Интернешнл А.Ж." ҚҚАЖ бошқаруви раиси

6	Рахматуллаев Бекзод Раджапбоевич	Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғи
7	Ташмурадов Шухрат Маматкулович	Олмалиқ ТКМК Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси раҳбари
8	Убайдуллаев Саъдулло Абдуллаевич	«Делфилд маркетинг Лтд.» МДХ давлатлари бўйича бош вакили
9	Шагазатов Дониер Бахтиярович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси, давлатнинг ишончли вакили

Саноқ комиссияси вакили У.М.Юлдашев кумулятив овоз бериш тартибини акциядорларга тушунтириди.

Кумулятив овоз бериш натижалари:

- 1. Аминов Рустам Анварович – 16 507 911 та овоз, сайланди;**
- 2. Вахниев Юнус Сулайманович – 16 593 515 та овоз, сайланди;**
- 3. Липатов Аваз Ашрапович – 16 747 750 та овоз, сайланди;**
- 4. Миралиев Алишер Эркинович – 16 505 264 та овоз, сайланди;**
- 5. Мустафаев Зафар Бурибаевич – 16 607 515 та овоз, сайланди.**
- 6. Рахматуллаев Бекзод Раджапбоевич – 16 505 264 та овоз, сайланди.**
- 7. Ташмурадов Шухрат Маматкулович – 16 504 764 та овоз, сайланди.**
- 8. Убайдуллаев Саъдулло Абдуллаевич – 16 586 527 та овоз, сайланди.**
- 9. Шагазатов Дониер Бахтиярович – 16 571 850 та овоз, сайланди.**

Кун тартибидаги 9-масала юзасидан Компаниянинг ички аудит хизмати бошлиғи О.Т. Тохиров сўзга чиқиб, Компания акциядорлари томонидан Компания тафтиш комиссияси таркибига таклиф этилган номзодлар рўйхатини ўқиб эшигиттирди ва улар бўйича тўлиқ ахборот берди.

№	Номзодлар	Доимий иш жойи
1	Абдулкасимов Шерзод Исамахамадович	Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси хузуридаги хакамлик суди судьяси
2	Йулдошев Дилшод Кулбоевич	“O’ZBEKISTON DORI TA’MINOTI” МЧЖ бош бухгалтери
3	Назаров Ўктам Сулаймонович	“Дори-Дармон Гарант” МЧЖ бош бухгалтери
4	Эргашев Алишер Рахматуллаевич	Давлат активларини бошқариш маркази бош мутахассиси

Мухокамадан сўнг овозга қўйилди:

Саноқ комиссияси вакили У.М.Юлдашев овоз бериш тартибини акциядорларга тушунтириди.

Овоз бериш натижалари:

1. Абдулкасимов Шерзод Исамахамадович

Тарафдор– 16 581 682 та овоз, 99,916%, қабул қилинди;

Қарши– 0 та овоз.

Бетараф– 300 та овоз, 0,002%;

2. Йулдошев Дилшод Кулбоевич

Тарафдор– 16 579 232 та овоз, 99,901%, қабул қилинди;

Қарши– 2 750 та овоз, 0,017%

Бетараф– 0 та овоз;

3. Назаров Ўктам Сулаймонович

Тарафдор– 160 417 та овоз, 0,967%;

Қарши - 16 412 556 та овоз, 98,897%, қабул қилинмади;

Бетараф– 9 009 та овоз, 0,054%;

4. Эргашев Алишер Рахматуллаевич

Тарафдор– 16 447 797 та овоз, 99,109%, қабул қилинди;

Қарши – 101 082 та овоз, 0,609%;

Бетараф – 33 103 та овоз, 0,199%;

Акциядорлар умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича:

1. Компания Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда бир йил муддатга сайлансин:

1. Аминов Рустам Анварович
2. Вахпиев Юнус Сулайманович;
3. Липатов Аваз Ашрапович;
4. Миралиев Алишер Эркинович;
5. Мустафаев Зафар Бурибаевич;
6. Рахматуллаев Бекзод Раджапович;
7. Ташмурадов Шухрат Маматкулович;
8. Убайдуллаев Саъдулло Абдуллаевич.
9. Шагазатов Дониер Бахтиярович.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича:

1. Компания тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда бир йил муддатга сайлансин:

1. Абдулкасимов Шерзод Исамахамадович
2. Йулдошев Дилшод Кулбоевич;
3. Эргашев Алишер Рахматуллаевич.

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси Ш.А.Вафаев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Баённома 2016 йил 13 июн куни икки нусхада тузилди.

Йиғилиш раиси

_____ **Ш. Вафаев**

Баённома юритувчи:

_____ **З.Назаров**